

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил декабрь ойининг 10 кунини, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биносида, мобиль алоқа воситаси орқали видеоконференцалоқа режимида, тафтиш инстанциясининг очиқ суд мажлисида, Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси М.Очилованинг раислигида, ҳайъат судьялари А.Ғоппоров ва Ф.Чориевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Х.Каримов ва судланган Б.А.нинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Буриевларнинг иштирокида, судланган Б.А.нинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Буриев томонидан берилган шикоятни ҳамда Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари томонидан билдирилган протестни жиноят иши билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2025 йил 23 майдаги ҳукмига асосан:

А.Б.С., 1980 йил 1 ноябрда Ғузор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Ғузор тумани, “Тинчлик” МФЙ, Камалак кўчаси, 4-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 7 февралдан қамоқда сақланмоқда,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан узил-кесил 6 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 29 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Б.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазо бекор қилиниб, Б.А.нинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан шу Кодекснинг 273-моддаси 2-қисмига қайта малакаланиб, шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг



59,61-моддалари тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.А. жиноят содир этиш йўлига кириб, тақиқланган экинларни етиштириш мақсадида, 2024 йилни февраль ойининг бошларида Ғузор тумани “Тинчлик” МФЙ, Камалак кўчаси 4-уйдаги яшаш хонадонининг иссиқхонасига “марихуана” ва “кўкнори” гиёҳвандлик воситасини уруғларини экиб, экилган уруғларни 2024 йилнинг октябрь ойига қадар парваришлаб, йиғиштириб олган.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг 6 февраль куни Ғузор тумани ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган “Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” тадбирини ўтказиш давомида, шу куни соат 17:10 ларда Ғузор тумани “Тинчлик” МФЙ, Камалак кўчаси 4-уйда яшовчи Б.А. уйида сотиш мақсадини кўзлаб, 5 дона оқ целлофан пакетларга ўралган курук ҳолдаги яшил рангли, ўткир ҳидли кўкнори хашаги ва 25 дона “спички” ёзувли гугурт қутисига ўралган, 176 грамм яшил рангли, ўткир ҳидли “марихуана” гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадини кўзлаб қадоқлаб, сақлаб келганлиги аниқланиб, ундан ушбу ўсимликлар тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Адвокат Ж.Буриев шикоятда, Б.А.нинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмидан 276-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, унинг гиёҳвандлик моддасини етиштириб, сақлаганлик ҳолатига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини билдириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Протестда, апелляция инстанцияси суди Б.А.нинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан 273-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, хатоликка йўл қўйганлиги сабабли, суд ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳукмини кучида қолдириш сўралган.

Тафтиш инстанцияси суди, судланган Б.А.нинг ҳозирда ЖИЭМда жазо муддатини ўтаётганлиги, шикоят ва протестдаги вазларни Б.А.нинг иштирокисиз муҳокама қилиш мумкинлиги ҳамда процесс иштирокчиларидан суд мажлисини судланган Б.А.нинг иштирокисиз давом эттириш бўйича эътирозлар бўлмаганлиги сабабли, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича судья М.Очилованинг маърузасини, прокурор Х.Каримовнинг протестни қаноатлантириб, шикоятни рад қилиш, ҳимоячи-адвокат Ж.Буриевнинг шикоятни қаноатлантириб, протестни рад қилиш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоят ва протестда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари ва тафтиш инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар билан атрофлича муҳокама қилиб, апелляция инстанция суди ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция суди ҳукмини кучида қолдиришни лозим топди.



Хусусан, апелляция инстанция суди томонидан судланган Б.А. яшаш уйи томорқасида гиёҳвандлик ўсимлигини етиштириб парваришлаб келганлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасини экиб етиштирган пайтдан бошлаб унинг жинояти тугалланганлиги, бу эса ЖКнинг 270-моддаси билан тўлиқ қамраб олиними, қўшимча равишда бошқа модда билан квалификация қилиш талаб этилмаслиги, Б.А.нинг “марихуана” гиёҳванд воситасини етиштириб, парвариш қилиб, барглари қуришиб, 25 дона “спички” ёзувли гугурт қутисига солиб, ўзига тегишли бўлган сейф ичига солиб, яширин жойда сақлаб келган бўлса-да, унинг яшаш уйдан гиёҳвандлик воситасини тайёрлаш учун керак бўлган асбоб-ускуналар аниқланмаганлиги, Б.А.нинг психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасди мавжудлигини исботловчи далиллар мавжуд эмаслиги, Ғузор туман ИИБ бошлиғининг 2025 йил 15 июль куни тақдим этган хатида, муқаддам Б.А.га нисбатан тезкор ишловлар олиб борилмаганлиги ва туман ИИБ ТҚХда Б.А.нинг ноқонуний гиёҳванд воситаси билан шуғулланиб келаётганлиги ҳақида тезкор маълумотлар олинмаганлиги, вилоят нарकोлогия экспертизасининг 2025 йил 3 март кунидаги 74-сонли экспертиза хулосасига кўра, Б.А. наркотик моддалардан нашани эпизодик равишда истеъмол қилиши, Б.А.нинг қилмишида гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилиш мавжудлиги тўғрисидаги далиллар билан исботлаб берилмаганлиги сабабли судланган Б.А.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан шу Кодекснинг 273-моддаси 2-қисмига қайта малакаланиш ва унга мазкур модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлаш ҳақида хулосага келиниб, хатоликка йўл қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум Қарорининг 25-бандида айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги; Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак”лиги кўрсатилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 2025 йилнинг 6 февраль куни Ғузор тумани ИИБ ТҚХ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган “Турар жойларни ва бошқа



жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” тадбирини ўтказиш давомида, шу куни соат 17:10 ларда Ғузур тумани “Тинчлик” МФЙ, Камалак кўчаси 4-уйда яшовчи Б.А. уйда келгусида сотиш мақсадини кўзлаб 5 дона оқ целлофан пакетларга ўралган куруқ ҳолдаги яшил рангли, ўткир ҳидли кўкнор хашаги ва 176 грамм яшил рангли, ўткир ҳидли “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 25 дона “спички” ёзувли гугурт қутиларга қадоклаган ҳолда жойлаб, яширин жойда сақлаб келган.

Жумладан, 2025 йил 6 февралдаги турар жойни текшириш баённомасида, Ғузур тумани “Тинчлик” МФЙда яшовчи Алиев Сайитнинг яшаш уйда гиёҳвандлик ўсимлиги сақлаб келинаётганлиги ҳақидаги маълумотга кўра мазкур хонадон кўздан кечирилганида, унинг ўғли Алиев Ботирнинг хонасидаги темир сейфдан 25 дона “Спички” ёзувли гугурт қутига зичлаб жойланган яшил рангли ўзига хос ҳидли ўсимлик талқони ва 5 дона тухумсимон сариқ яшил рангли, ўсимлик бошоғи селофан пакетга солинган ҳолатда яширин тарзда сақлаб келинганлиги аниқланган.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 7 февралдаги 8-сонли хулосасига кўра, Б.А.дан ҳужжатлаштириб олинган 25 дона “спички” номли гугурт қутига солинган куруқ ҳолдаги яшил рангли, ўткир ҳидли ўсимлик талқони таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддаси бор бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги, “марихуана” гиёҳвандлик воситасининг жами соф оғирлиги 176 (бир юз етмиш олти) граммга тенглиги (тадқиқотдан сўнг 175,8)га тенглиги ва Б.А.дан ҳужжатлаштириб олинган 5 дона яшил-сариқ рангли, ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддасига ўхшаш тухумсимон тожли ўсимлик қуритмаси таркибида морфин, кодеин, тебаин алкалоид гиёҳванд моддалари бор бўлиб, қуритилган кўкнори хашаги (Маковая солома) деб аталиши, соф оғирлиги 7,4 (тадқиқотдан сўнг 7,2) граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Гарчанд, вилоят наркологиya экспертизасининг 2025 йил 3 мартдаги 74-сонли экспертиза хулосасида, Б.А. наркотик моддалардан нашани эпизодик равишда истеъмол қилиши кўрсатилган бўлса-да, бироқ, унинг РИНИАТМ ҚВМФнинг “Д” ҳисобда турмаслиги, гиёҳвандлик хасталигига чалинмаганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги ҳам кўрсатилган бўлиб, воқеа куни унинг яшаш уйдан “марихуана” гиёҳвандлик воситасидан ташқари “кўкнор” хашаги гиёҳвандлик моддаси ҳам топилган.

Мазкур инкор этиб бўлмас далиллар судланган Б.А.нинг кўп миқдордаги 176 грамм “марихуана” ҳамда 7,4 грамм озгинадан кўпроқ миқдордаги “кўкнор” хашаги гиёҳвандлик воситасини ўз истеъмоли учун сақлаб келганлигини инкор этади ҳамда унинг мазкур гиёҳвандлик воситаларини келгусида сотишга суиқсад қилганлигини тасдиқлайди.

Бундай ҳолда апелляция инстанцияси судининг судланган Б.А.га нисбатан чиқарган ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Гарчанд, шикоятда судланган Б.А.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмидан ЖК 276-моддасига қайта квалификация қилиш ва унга



нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш сўралса-да, мазкур важлар юқорида қайд қилинган ва асослантирилган далиллар билан рад қилинади.

Судланган Б.А.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни қасдан содир қилганликдаги айби, қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, билдирги, турар жойни кўздан кечириш баённомаси, гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, Қашқадарё вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг ҳамда Республика ихтисослаштирилган наркология илмий амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилоят минтақавий филиалининг суд наркология экспертизаси хулосалари каби объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни текшириб, тўпланган далилларни тегишли тартибда баҳолаб, судланган Б.А.нинг содир этган жинояти тафсилотларини тўғри аниқлаб, ҳукмда назарда тутилган жиноятларни қасдан содир қилганликдаги айби тўлиқ исботланган деган асослантирилган хулосага келган ҳамда унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 25,273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилиб, шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни муҳокама қилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилган.

Суд ҳукмида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципага асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда 42-моддасидаги жазо тайинлаш мақсадларига риоя қилинган.

Қонун мазмунига кўра, жиноий жазо - жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерига катъий мувофиқ бўлиши лозим.

Тафтиш инстанцияси суди қайд қилинган асосларга кўра апелляция инстанциясининг Б.А.га нисбатан чиқарган ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция суди ҳукмини кучида қолдиришни, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни, протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 485, 510, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига асосан, тафтиш инстанцияси суди

#### А Ж Р И М      Қ И Л Д И:

А.Б.С.га нисбатан чиқарилган Қашқадарё вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 29 июлдаги ажрими бекор қилинсин ва Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2025 йил 23 майдаги ҳукми ўз кучида қолдирилсин.



Шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Протест қаноатлантирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Очилова

Ҳайъат судьялари

А.Ғоппоров

Ф.Чориев

